

## ТУМАН ҲОКИМИ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ ИТАЛИЯДАГИ БИРИНЧИ КУНИ

**Маълумки, 24 ноябрь – 1 декабрь кунлари Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев, бошчилигидаги делегация Италияниң Дерута шаҳрида бўлишади. Кеча Апенин ярим оролига етиб борган делегация аъзоларининг бугунги иш куни қизғин руҳда кечди.**

### САЛОМ, ДЕРУТА

28 сентябрь куни Риштон тумани ва Италияниң Дерута шаҳарларининг ҳокимлари ва фаоллари ўртасида кулолчилик ҳамда савдо-иктисодий соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан онлайн учрашув ташкил этилганди. Ушбу онлайн учрашув дўстлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда самарали фаолият олиб боришга, шунингдек хорижда Риштон имиджини илгари суриш ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда дўстлик жамиятлари ролини оширишга қаратилган эди.

Учрашув якунида Италияниң Дерута шаҳри билан Риштон тумани биродар шаҳар бўлишга ва барча соҳаларда иқтисодий ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашга розилик билдириб, ноябрь ойида Риштон тумани делегациясини Италияниң Дерута шаҳрига ташриф буюришлари келишиб олинганди.

Мазкур келишувга асосан, Риштон тумани ҳокими бошчилигидаги делегация 24 ноябрь куни эрта тонгда Италия томон йўл олганди. Кеча делегация аъзолари Дерута шаҳрига етиб боришли.

### РАСМИЙ КУТИБ ОЛИШ МАРОСИМИ

Бугун делегация аъзоларини расмий кутиб олиш жараёни ўтказилди. Риштон туманидан ташриф буюрган меҳмонларни Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчиси Отабек Акбаров ҳамда Дерута шаҳар мэри Микеле Тониассини бошчилигидаги делегация аъзолари тантанли равиша кутиб олишди. Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради.

### САМИМИЙ УЧРАШУВ

Расмий кутиб олиш жараёнлари поёнига етгач, самимий учрашувлар бошланди. Дастлаб Дерута шаҳри мэри Микеле Тониассини томонидан туман ҳокими Суфҳонжон Солиевга Дерута кулолчилик маҳсулоти совға қилинди. Шундан кейин музокараларга киришилди. Музокара давомида бугунги кунда мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро дўстона муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётган глобаллашув даврида халқ дипломатиясининг муҳим тармоғи ҳисобланган дўстлик жамиятларининг давлат ва жамият ривожидаги ўрни яққол намоён бўлаётганини таъкидлаб ўтилди.

Музокаралар давомида шунингдек, туризм, инвестиция, соғлиқни сақлаш, таълим ва бир қатор масалалар юзасидан икки биродарлашган шаҳарлар ўртасида меморандум имзолаш борасида келишиб олинди. Бундан ташқари, Риштон кулолчилик маҳсулотлари бўйича тушинтириш ва тақдимотлар бўлиб ўтди.

### МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Тадбир давомида шунингдек, икки биродарлашган шаҳарлар ўртасида кулолчилик ҳамда савдо-иктисодий соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, дўстлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда самарали фаолият олиб бориш, Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ошириш юзасидан меморандум имзоланди.

### РИШТОН КУЛОЛЧИЛИГИ УЧУН МАХСУС ЖОЙ

Меморандум имзолангач, Риштон кулолчилиги маҳсулотларини белул ва узоқ муддат сақлаш учун Дерута мазейида Риштон тумани ҳокимлиги учун 50 кв ер майдонини ажратиб берилиб, тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда ҳар икки делегация вакиллари иштирок этишди. Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев Дерута шаҳри мэрига Қувонарлиси, кундан кунга

дунёга донг тарататётган Риштон кулолчилик буюмлари энди ушбу қадимий музейлардан бирида сақланади.

## ЧИННИЧИЛИК УЧУН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Музокаралар давомида Дерута мерияси билан Риштон туманида замонавий чинни маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида ҳам келишувга эришилди. Энди туманимиздаги чинни маҳсулотлари янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилиши режалаштирилди. Бу Дерутага қилинган ташриф маҳсули бўлиши бўйича келишиб олинди. Учрашувда Риштон чинни маҳсулотларининг рақобатбардош бўлиб унинг экспорт географиясини кенгайтириш энг асосий мақсад қилиб олинди.

## РИШТОНГА ТАШРИФ

Имзоланган меморандумга кўра, Дерута шаҳри делагацияси 2022 йилнинг март ойида Риштон туманига ташриф буюриши белгилаб олинди. Туманимизда ҳам бу икки биродарлашган шаҳарлар ўртасида меморандум имзоланади.

## ДЕРУТА УСТАХОНАЛАРИГА САЁҲАТ

Италияning Дерута шаҳри ҳам керамик маҳсулотлари билан анча машҳур. Бугунги ташриф давомида туманимиз делегацияси аъзолари Дерута шаҳридаги устахоналарда бўлиб, у ердаги ишлаш жараёнлари билан танишишди ва фикр алмашишди. Қизиқарли жиҳати шундаки, Дерута тўпроғи худди Риштон тўпроғи сингари ўзига хослиги билан ажralиб туради. Италиялик уста кулолларнинг ишлаш жараёнлари бизнинг кулолларимиз билан деярли бир хил.

Делегация аъзоларининг ташрифи давом этмоқда.

2021-11-25 20:16:22